

РЕЗЮМЕ

Маколада бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг ижтимоий маданий компетенциясини шакллантириш ва унинг маданий, педагогик-психологик, ижтимоий жиҳатлари очиб берилди. Ўқитишнинг педагогик-психологик, дидактик тамойиллари методологик жиҳатдан тадқиқ қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются факторы формирования социально-культурной компетенции у будущих учителей английского языка - методологические, социально-значимые, психолого-педагогические и культурологические и раскрываются их сущности. Методологическую основу исследования составляют психолого-педагогические и дидактические принципы обучения.

SUMMARY

The article deals with the factors of socio-cultural competence of future English teachers' methodological social-meaningful psychological pedagogical and culturological. The methodical basis of the research is psychological-pedagogical and didactic principles of teaching.

**КРЕАТИВ ЁЗУВНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЛИНГВОКУЛЬТУРОЛОГИК
ЁНДАШУВ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

(чет тилини ўқитиш мисолида)

Ш.А.Атаев - докторант

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Таянч сўзлар: креативлик, креатив ёзув, нутқ фаолияти, метод, таҳлил, тавсиф, матн, чет тил.

Ключевые слова: креативность, креативное письмо, речевая деятельность, метод, анализ, характеристика, текст, иностранный язык.

Key words: creativity, creative writing, speech activity, method, analysis, characteristics, text, foreign language.

Ҳозирги кунда ижтимоий-гуманитар соҳани ривожланишида хорижий тажрибалардан воқиф бўлиш, жумладан чет тилларни замон талабида чуқурлаштирилган тарзда ўргатиш ва ўрганиш шу соҳа олдида турган долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Маълумки, “чет тил ва маданият яхлит (интеграциялашган) ҳолда ўргатилади. Маданият, бу ўринда инсон фикри ва фаолияти ҳосиласи тушунчасини ифодалайди. Чет тилда ўрганиладиган лисоний (лексик, грамматик, талаффуздаги) бирликда лингвомаданий хусусиятлар тажассум топган ва нутқий жараён (дискурс)да уларга ўқувчи эътибори қаратилади. Мазкур методик қоида доирасида чет тил ўқитиш мақсади ва мазмуни белгиланади” [2]. Натижада, таълим олувчиларга чет тилларни анъанавий методлардан воз кечган ҳолда, янги замонавий методлар орқали ўргатиш биз ёш олим ва педагоглар олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Албатта, маълум бир хорижий тилни ўрганиш орқали шу тилнинг маданияти намуналарига оид урф-одатлар, миллий байрамлар, айниқса образли воситалар, фразеологик бирликлар ҳақида умумий тушунчаларни шакллантириш назарда тутилади. Маданиятни тил орқали ўрганиш хорижий тилларни пухта билиш ва ўзлаштиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур масала ўтган асрнинг охирида вужудга келган лингвокультурология фани доирасида ўрганилмоқда.

Хорижий тилларда нутқий фаолият юритиш таълим олувчилар (ўқувчилар, талабалар, тингловчилар) шахсини шакллантиришга, уларни комил инсон сари етаклашга ва уларни креативликка йўналтиради. Аслида креативлик инглизча сўз бўлиб, *to create* – яратмоқ, *creative* – ижодкор маъноларини англатади. Изоҳли луғатларда эса, шундай маънога эга “Mit der sprachlichen Kompetenz verbundene Fähigkeit, neue, nie gehörte Sätze zu bilden und zu verstehen”, яъни мутлоқо янги, қўлок эшитмаган гапларни тузиш ва тушуниш, лингвистик компетенция билан боғлиқ бўлган малака ҳисобланади” [5]. Шунингдек, креативлик мавжуд нарсдан янгисини яратиш ва анъанавий фикрлашдан воз кечишни назарда тутди.

Машғулотлар жараёнида таълим олувчилар тили ўрганилаётган мамлакат(бизнинг тушунишимизда немисзабон мамлакатлар: Германия, Австрия, Швейцария, Люксембург, Лихтенштейн)лар ҳақида умумий маълумотларни ўрганиш билан бирга, асрлар давомида сақланиб келган маданий мерос, яъни

қадриятлар, ғоялар, тажриба, билим ва б. ўзлаштирилди ва ижодий фикрлаш қўникмаларига эга бўлади.

Биз мазкур маколада ёзувнинг бир тури сифатида эътироф этилган креатив ёзувнинг немис тили мисолида, унинг лингвокультурологик хусусиятлари, яъни маданият намуналарини тил орқали ўрганиш масаласига тўхталиб ўтамиз. Мазкур мавзу Ўзбекистон чет тил ўқитиш методикасида деярли ўрганилмаган бўлиб, чет тил мисолида эса креатив ёзувнинг назарий асослари немис олимлари И.Бётхер, И.Шрайтер, Ю.Вольфрум [2, 3, 4] ва бошқаларнинг илмий ишларида ўрганилган. Бевосита машғулотлар жараёнида лингвокультурологик ёндашув технологияси асосида таълим олувчиларда креатив ёзув қўникмаларини шакллантириш асосан кўпгина методлар ёрдамида амалга оширилади. Биз қуйидаги мазкур методларга батафсил тўхталиб, улар билан боғлиқ маълумотларни иллюстратив мисоллар ёрдамида ёритиб беришга ҳаракат қиламиз.

Дастлабки метод бу – “Eine etwas andere Vorstellung” (Ўзгача тасаввур) методи бўлиб, уни қўллашда таълим олувчилар кундалиқда қўлландиган бирон-бир предмет ҳақида матн тузишди. Улар матн шаклига келтирилган гапларни шу предмет нўқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ифодалашди. Иллюстратив мисолларга эътиборимизни қаратамиз: 1) Мен Петернинг фотоаппаратиман. У ҳам куни мени ўзи билан олиб юради. Мени доим унинг рюкзакидан топиш мумкин, чунки у ҳаётдаги турли қизиқарли воқеа-ҳодисаларни расмга туширишни ҳохлайди ва албатта Петер ўз тасвуротлари оила давраси ва дўстлари билан баҳам қўради. Мен бундан бахтиёрман.

2) Мен Юргеннинг ручкасиман. У мени қаламдан кўра кўпроқ хуш қўради. Лекин у мендан кўп фойдаланмай қўйди, чунки Юрген кўп ҳолларда компьютерда ёзмоқда. Вақти-вақти билан у мени излаб туриши лозим, чунки Юрген нарсаларни ўз жойига қўймаслик одати бор.

Таълим олувчилар мазкур метод ёрдамида ўзларининг креатив қобиятларини ишга соладилар ва чет тилда ўз фикрларини ёзма баён қилдилар, яъни жонсиз предмет тилга кириб, ўз нутқини назаридан эгасининг ички кечинмаларини ифодалайди. Бундай ёндашув таълим олувчиларда оқ қоғозни қўлга олишдан кўрқиб қолмасини йўқотиб, уларни креатив фикрлашга ундайди. Бундай ёзув усули уйга берилган вазифа ва чет тил машғулотлари жараёнида

маълум мавзуга оид иншо ёзишдан кескин фарқ қилади. Албатта бу методни қўллашда таълим олувчилар немис маданиятига хос бўлган исм, ёки предметларни қўллаш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ёзув орқали улар бир вақтни ўзида фикрлайдилар. креативлик сари интилиб. Ўз қобиятларини руёбга чиқариш имкониятини амалга қўллайдилар ва асосийси ўзга маданиятга хос бўлган лингвокультурологик хусусиятларни ёзув кўникмалари ёрдамида ўзлаштирадилар.

Навбатдаги метод *“Ich in Farben”* (Мен (турли) рангларда) ёки бўлмаса “Мен бир ичимлик сифатида” деб номланади ва “Ўзгача тасаввур” методидан бироз фарқ қилади, яъни таълим олувчилар ўзларини маълум бир ранг ёки бўлмаса ичимлик образида тасаввур қилишади ва улар мазкур методни қўллашда қуйидаги гап билан фикрларини давом эттиришади: Агарда мен ранг бўлганимда, мен яшил ранг бўлган бўлардим, чунки мен бу рангни хуш кўраман ва бу ранг табиат ранги ҳисобланади ҳамда яшил ранг янгилик, софлик, ўсиш рамзи ҳисобланади”. Яна бир мисол: “Мен қизил рангдек эхтирослиман/ Мен сариқ рангдек жонлиман. Ёки бўлмаса қуйидаги мисол: “Агарда мен ичимлик бўланимда эди, мен минерал сув бўлар эдим, чунки мен сўзлашиш вақтида қизишиб/тўлиб тошиб кетаман”.

Бу метод орқали таълим олувчилар томонидан ранг ва предметни танлашда уларнинг характери ҳамда немис ва ўзбек маданиятнинг лингвокультурологик хусусиятлари намоён бўлади.

Таълим олувчиларда томонидан креатив ёзувни шакллантиришда қўлланиладиган методлардан яна бири *Хайку* бўлиб, у япон қисқа қофиясиз шеъри ҳисобланади ва Японияда асрлар давомида тилда ёзма равишда ҳис-туйғу ва образларни ифодалаш учун қўлланилган. Кейинчалик бу усул дунёнинг кўпгина мамлакатларида қўлланила бошланган. Хайкуда асосан йил фасллари, флора ва фауна ва мавҳум тушунчалар тасвирланади. Бу метод уч мисрадан иборат бўлиб, 5-7-5 бўғин схемасида шеърлар тузилади. Биринчи мисра 5 бўғин, иккинчи мисра 7 бўғин ва учинчи мисра 5 бўғиндан иборат бўлади. Мисолларга эътиборимизни қаратамиз:

*Am Abendhimmel Wirklich allein sein.
ziehen weiße Kraniche das ist oft leicht zu sagen.
singend nach Süden. Doch schwer zu tragen.*

Биринчи қофиясиз шеърда тилга олинган предметлар немисзабон мамлакатларда севиб истеъмол қилинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари: Вена шнитцели, пиво, кофе ва пирог тилга олинган. Бу метод ёрдамида таълим олувчилар немис маданиятига хос сўз ва тушунчаларни кўриб тушуниш (*Sehverstehen*) орқали ўрганадилар. Демак, мазкур метод зерикарли бўлган иншо ёзишдан тубдан фарқ қилади. Биз ҳам аудиторияга тушунарли бўлиш мақсадига ўзбек тилида мазкур методни қўллашни лозим топдик, чунки таълим олувчиларда дастлабки кўникмалар она тили орқали шаклланади:

Иссиқ ёз куни
Богда булбул қуйидан

Илҳомланаман

Навбатдаги метод *Assoziatives Schreiben zu Musik* (Муסיкага боғловчи ёзув) деб номланади. Бу методни қўллаш давомида таълим олувчилар муסיкани тинглайдилар, муסיқа оҳангида илҳомланиш натижасида шеърли мисралар тузилади, кўпинча бу жараёни табиат бағрида – ўрмонда, тоғ ён бағрида ёки бўлмаса дарё бўйида ташкил қилиш мақсадда мувофиқ. Мисол учун классик муסיқа, яъни австриялик композитор В.А.Моцартнинг “Туннинг кичик муסיқа”ни олайлик. Таълим олувчилар муסיқа оҳанги ёрдамида тўрт тушунча (тоғ, ўрмон, осмон, дўстлар)ни ўз дафтарларига ёзишади. Сўнгра ҳамма биргаликда қўшиқни яна бир тинглашиб, тушунчалар ёрдамида матн ёки бўлмаса тўртликдан иборат мисраларни ёзишади. Улар муסיкадан илҳомланадилар. Яна бир эътиборли жиҳати шундан иборатки, муסיқа тингловчилар ёзишдан тўхтатмасликлари керак. Муסיқа садосида Альп тоғларида битилган шеърли тўртлик (Ш.Атаев):

*Ich mag dich Raach, deine Gebirge, Wälder,
Dein regnerisch-glänzendes Himmel,
ich bekam Freunde hier
Dich will ich wieder besuchen*

Бир маромда тингланган муסיқа оҳанги ҳис-туйғуларни уйғотиб, таълим олувчиларни илҳомлантиради ва ижод қилишга ундайди. Бунинг яққол исботи сифатида юқоридаги тўртликдан иборат мисраларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ёзувнинг бу усули таълим олувчилар ёзув муҳосарасини камайтиради ва уларни мажбурий ёзувга эмас, аксинча кўпроқ шахсий матнларни яратишга ундайди. Ёзувнинг бу тури машғулот жараёнида вақтни беҳудага сарфлаш ўйинидан йироқдир.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан маълум бўладики, ҳозирги кунда чет тил ўқитиш методикасида ёзув нутқ фаолият тури сифатида ўқитиш воситасидан мақсад мақомига эга бўлди. Креатив ёзув ҳам таълим олувчиларда чет тилда матн яратишда мавжуд бўлган кўркувни енгишда ва ёзув нутқ фаолият турини машғулотларда ўйин орқали машқ қилишда асосий вазифани бажариб келмоқда. Албатта уларни комиллик сари етаклаш, уларни чет тилларда эркин сўзлашиш ва креатив фикрлашга ўргатиш чет тил ўқитиш методикаси олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланади. Таълим олувчиларга креатив ёзув кўникмаларини шакллантиришда асосан қуйидаги методларидан фойдаланиш тавсия этилади: „Ўзгача тасаввур“, „Мен рангларда“, „Мен бир ичимлик сифатида“, „Хайку“, „Муסיкага боғловчи ёзув“. Мазкур методлар таълим олувчиларга ёзув кўникма ва малакаларни ўйин тарзида шакллантириш имконини яратади. Натижада таҳлилга тортилган методлар ёрдамида таълим олувчиларда эски анъанавийликдан воч кечган ҳолда, лингвокультурологик ёндашув орқали янги ғояларни яратиш, ижодий фикрлаш қобилияти шаклланади.

Адабиётлар

1. Умумий ўрта таълим мактаблари учун немис тили фанидан ўқув дастури (I-IX синфлар) –Тошкент: // Халқ таълими. 2013 йил, № 5, 144-б.
2. Böttcher I. Kreatives Schreiben. 6., überarbeitete Auflage. -Berlin: Cornelsen Verlag Scriptor GmbH & Co. KG, 2010.
3. Schreier I. Schreibversuche: kreatives Schreiben bei Lernern des Deutschen als Fremdsprache. – München: Iudicium, 2002.
4. Wolfrum J. Kreativ Schreiben. Gezielte Schreibförderung für jugendliche und erwachsene Deutschlernende (Daf/DaZ). – Is-maning: Hueber, 2010.
5. Duden. Deutsches Universalwörterbuch. 6., überarbeitete und erweiterte Auflage. Bibliographisches Institut AG, Mannheim 2007.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақола чет тили машғулотида креатив ёзувни шакллантиришда лингвокультурологик ёндашув технологиясидан фойдаланиш масаласига бағишланган. Мақола муаллифи креатив ёзув ва лингвокультурологик ёндашувнинг кўпгина омилидан томонидан таклиф этилган тавсифларини келтириб ўтган. Креатив ёзувнинг таҳлил методлари иллюстратив мисоллар ёрдамида баёни берилган.